Тошкент оқшоми

2006 ЙИЛ, 30 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 235 (10.792)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бугун Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси бошланди.

● Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Адолат» социал-демократик, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик ва Фидокорлар миллий демократик партиялари демократик блокининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● Бугун Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунга бағишланган «Мустақиллик ва Конституция ҳимояси — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз» мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

● Мамлакатимиз Конституцияси байрами арафасида Фарғона вилояти, Охунбобоев тумани ёшлари учун ўзига хос совға ҳозирланди. Тумандаги Кумтепа қишлоғида уй-жой коммунал хўжалик коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бир вақтнинг ўзида 540 нафар қишлоқ ёшларини бағрига олган коллежда уй-жой, бино ва иншоотлардан фойдаланиш, уста технолог, бухгалтерия ҳисоби каби касб йўналишларида сабоқ олишади.

● Самарқанд Давлат университети қошидаги 2-академик лицейда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи-педагоглар ўртасида «Энг яхши ахборот гуруҳи» танловининг вилоят босқичи якунланди.

● Қорақўл шаҳрида жамоатчилик форумининг туризмни ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиши ўтказилди. Унда «Бухоротурист» акциядорлик жамияти, хусусий туризм уюшмаси, меҳмонхона бизнес вакиллари, музейлар ходимлари ва халқ амалий санъати усталари иштирок этди.

● Бухородаги ёшлар уйида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти томонидан ташкил этилган сиёсий партияларнинг ёшлар ҳаракати, «Камолот» ЁИҲ фаоллари учун етти кунлик семинар-тренинг давом этмоқда. Ушбу тадбир «Мамлакатнинг оммавий-сиёсий ҳаёти ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда ёшлар иштирокини фаоллаштириш» мавзуига бағишланди.

● Урганч шаҳрида республика ихтисослашган урология марказининг Урганч филиали фойдаланишга топширилди. Шаҳар марказида жойлашган янги даволаш маскани энг сўнгги русумдаги тиббиёт ускуналари билан таъминланди. Ушбу марказ бир кеча-кундузда 100 нафар беморга хизмат кўрсатиш имконига эга бўлиб, бу ерда 60 ўринга мўлжалланган даволаш хоналари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

ЖАҲОНДА

● Таиланд маъмурияти мамлакатнинг бир қатор туманларида ҳарбий ҳолатни бекор қилди. Айтиш керакки, жамоатчилик эркинлигини маълум маънода чекловчи ҳарбий ҳолат шу йил сентябрда амалга оширган давлат тўнтаришидан сўнг эълон қилинган эди. Ўша пайтда ҳарбийлар хорижда юрган бош вазир Таксин Чинаватни тахтдан ағдаришган.

● Ўтган икки кун давомида Ригада НАТОнинг 57-саммити бўлиб ўтди. Унда НАТОга аъзо 26 мамлакатдан вакиллар қатнашди. Анжуман ишини ёритиш учун дунё оммавий ахборот воситаларининг 170 дан ортиқ ходимлари ташриф буюрди.

● Кеча Куба пойтахти Гаванада мамлакат раҳбари Фидель Кастронинг 80 йиллик юбилейига бағишланган тантаналар бошланди. Унда Фидель Кастронинг ўзи соғлиғи туфайли иштирок эта олмаган бўлсада, тантаналарнинг кўпсонли меҳмонларига мактуб йўллади. Ушбу тадбир яна тўрт кун давом этади.

● БМТ Хавфсизлик Кенгаши бир овоздан Ироқдаги кўп миллатли ҳарбийлар 2007 йилнинг охиригача қолиши тўғрисидаги резолюцияни маъқуллади.

● Кеча Магнитагорск металлургия комбинатида чиққан кучли ёнғин олти кишининг ҳаётига зомин бўлди. Дастлабки тахминларга кўра ёнғин ишлаб чиқариш технологик жараёнининг бузилиши оқибатида келиб чиққан.

● Европа Иттифоқига аъзо давлатлар раҳбарларининг кўпчилиги ўз мамлакатида АҚШ Марказий разведка бошқармасининг махфий қамоқхоналари борлигини билган бўлсада, буни жамоатчиликдан сир тутган, дейилади Европарламентнинг махсус комиссияси томонидан тайёрланган маърузада.

● Кеча жаҳондаги энг машҳур ҳужжатли кино устаси ва репортёрларидан бири, ўз соҳасида самарали фаолият кўрсатгани учун XX аср йилномачиси номини олган Роман Кармен (марҳум) таваллудига 100 йил тўлди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 1 декабрь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан қор ёғади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсаётган шамол кучайиб, секундига 15-17 метрга етади. Кечаси 2-4, кундузи 0-2 даража совуқ бўлади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар



Тошкент Ахборот технологиялари университети қошида қад ростлаётган академик лицейда 450 нафар ўқувчи таҳсил олиши кўзда тутилмоқда.

СУРАТЛАРДА: лицей қурилишида фаоллик кўрсатаётган бунёдкорлар; қурилиш майдонида. Наталья Семёнова олган суратлар



Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги 149-мактабда ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллигига бағишлаб «Камолот» ЁИҲ туман бўлими томонидан уюштирилган кўрик-танлов «Сиз Конституцияни биласизми?» деб номланди.

● **БУГУН** Учтепа туманидаги Ибрат номли маҳаллада маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида «Қомусимиз — бахтимиз» мавзуида ўтказилган давра суҳбати туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан уюштирилди.

● **БУГУН** Шайхонтоҳур туманидаги 180-мактабда Қизил Ярим Ой жамиятининг Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган махсус амалиёт машғулоти мактаб ўқувчилари ўртасида фавқулодда вазиятларда эвакуация қилиш ва жароҳатланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш масаласига бағишланди.

● **БУГУНДАН** Бадиий академиянинг марказий кўргазмалар залида Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти Озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари ярмаркаси бошланди. Ушбу тадбир икки кун давом этади.

● **КЕЧА** Шайхонтоҳур туманидаги 14-оилавий поликлиникада қизамиқ ва қизилча касалликларига қарши эмлаш бўйича тиббиёт ходимлари, тиббиёт коллежлари ўқувчилари иштирокида тадбир ўтказилди.

● **РУС** академик драма театрида актёрлар, режиссёрлар, театр ихлосмандлари, драматурглар иштирокида уюштирилган адабий кеча таниқли санъаткор Александр Алейников ижодига бағишланди.

● **«КАМОЛОТ»** ЁИҲ Юнусобод туман бўлими Кенгаши «Маҳалла умидлари» марказида «Вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш» мавзуида уюштирилган давра суҳбатида «Мингўрик» маҳалласида яшовчи ўсмирлар иштирок этишди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

29 НОЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

«Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н.Исмоилов маъруза қилди. Савол-жавоблардан кейин қонун лойиҳасининг муҳокамаси бўлиб ўтди. Муҳокама чоғида депутатлар ички ишлар идоралари ходимларининг мамлакатда жамоат тартибини ва хавфсизликни таъминлаш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлашдаги алоҳида ролини таъкидлаган ҳолда, касб байрамини – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кунини белгилаш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватладилар. Қонунчилик палатаси билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Сизнинг юксак эътиборингиз туфайли Ўзбекистон Республикасига Корея Республикасининг Бош вазири сифатидаги илк ташрифим муваффақиятли ўтди.

Юртингизга ташрифим давомида Марказий Осиёнинг етакчи давлати – Ўзбекистон Сизнинг доно раҳбарлигингизда иқтисодий ва сиёсий тараққиётнинг янги марраларини эгаллаш йўлидан дадил бораётганига гувоҳ бўлдим.

Ўзбекистон Республикасига сафарим чоғида Сиз ва мамлакатингиз ҳукумати давлатларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор бераётганингизга яна бир бор амин бўлдим. Мен яна шунга ишонч ҳосил қилдимки, Сиз, Жаноби Олийларининг жорий йилнинг март ойида мамлакатимизга ташрифингиз асносида йўлга қўйилган Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари бундан буён ҳам ривожланиб, мустаҳкамланиб бораверади.

Сизга Корея Республикаси Президенти Но Му Хённинг самимий саломини етказиш менга мамнуният бахш этади. Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлик, оилангизга бахт-саодат, Ўзбекистон янада гуллаб-яшнаши ва тараққий этишини тилаб билдирган истакларимни қабул этгайсиз.

Хан Мёнг СУК,
Корея Республикаси Бош вазири

ВАТАНИМИЗ КЕЛАЖАГИ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

ТОШКЕНТДА "КАМОЛОТ" ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИНИНГ ИККИНЧИ ҚУРУЛТОЙИ БЎЛИБ ЎТДИ. МАЗКУР ТАДБИР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2006 ЙИЛ 10 ОКТЯБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН "КАМОЛОТ" ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИ ИЖРОСИ ДОИРАСИДА ЎТКАЗИЛДИ.



Қурултойда "Камолот"нинг туман, шаҳар ва вилоят бўлимларидан делегатлар, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат бирлашмалари раҳбарлари, иқтисодиётнинг барча тармоқлари, маънавият-маърифат соҳаси вакиллари иштирок этди.

...Мамлакатимиз ёшларининг қурултойи бошланди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди.

Анжуманда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раиси А.Алимов ҳаракатнинг ўтган беш йил давомидаги фаолияти тўғрисида маъруза қилди.

Президент Ислом Каримовнинг, фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт, деган сўзларида Ўзбекистонда ёш авлодни тарбиялаш борасидаги давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ўз ифодасини топган. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ушбу вазифа жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ислоҳотларни амалга оширишнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Чунки мамлакатимиз, халқимиз олдида турган олий мақсадларга эришиш, Ватанимиз келажаги энг авало, ёшларимизга, уларнинг ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир. Бугун ёшлар республикамиз аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил қилади. Юртбошимизнинг қатор фармон ва қарорлари, давлат дастурлари ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг жисмоний, руҳий ва маънавий ривожланиши учун барча шарт-шароитлар яратишга қаратилган. Хусусан, ниҳоясига етаётган "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури ҳам ушбу вазифага тўлиқ жавоб беради. Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун қонунчилик базаси яратилган. Йигит-қизларимизнинг интеллектуал даражасини оширишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга оширишда салмоқли натижаларга эришилди. Бугунги кунда мактаблар, коллежлар, лицейлар ва олий ўқув юртларида ўқитиш жаҳон тажрибаси асосида такомиллаштирилган янги таълим стандартлари бўйича олиб борилмоқда.

Болалар ва ёшларни жисмоний тарбия ҳамда спортга оммавий жалб этиш бўйича ноёб уч погонали тизим соғлом авлодни тарбиялашнинг узвий қисми ҳисобланади. У мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари", академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг "Баркамол авлод" ва олий ўқув юртлари талабаларининг "Универсиада" мусобақаларини ўз ичига олади. Ўзбекистонда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолият кўрсатмоқда. Республикамизнинг энг чекка қишлоқ жойларида ҳам замонавий спорт мажмуалари барпо этилди, спорт турлари бўйича ўнлаб секциялар ишлаб турибди. Бу ишлар самараси эса турли халқаро мусобақалар, Олимпиадаларда совринли ўринларни қўлга киритаётган ёш спортчиларимизнинг ғалабаларида ўз аксини топмоқда.

Ушбу кенг кўламли ишлар ўсиб келаётган ёш авлод манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган. "Камолот" эса бу борада кўплаб кенг миқёсдаги лойиҳа ва тадбирлар ташаббускори ҳамда мувофиқлаштирувчиси бўлиши даркор. Бугун ушбу ташкилот мамлакатимизда 4,6 миллион нафардан ортиқ йигит-қизни бирлаштирувчи энг йирик жамоат бирлашмаси ҳисобланади. Республиканинг барча туман ва шаҳарларида ҳаракатнинг бўлимлари мавжуд. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг асосий вазифа ва мақсади – ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ўғил-қизларимизда миллий истиқлол ғоясига асосланган мустаҳкам ҳаётий позицияни шакллантириш, ўсиб келаётган авлоднинг ижтимоий, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий муаммоларини ҳал этишда жамият саъй-ҳаракатларини бирлаштиришдан иборатдир.



Қурултойда ўтган беш йил мобайнида ушбу йўналишда муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Чунончи, республикамизда ёшларга ҳуқуқий ва тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни касбга йўналтириш ва ўқитиш, иш билан таъминлашга ёрдам берадиган ижтимоий хизмат марказлари ташкил этилди. Йигит ва қизларнинг ҳуқуқий маданияти ҳамда билим даражасини ошириш борасида мунтазам ғамхўрлик қилинмоқда. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида фестивалларни, кўргазмалар ва ижодий танловлар ўтказилаётир. Жумладан, "Камолот" аъзолари "Келажак овози", "Йилнинг энг яхши ғояси" республика танловлари, интеллектуал олимпиадаларни ўтказишда фаол иштирок этмоқда.

"Камолот" фаолиятига кирадиган соҳалардан яна бири — соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдир. Бу иш билан барча ҳудудларда ташкил этилган ёшлар ресурс марказлари шуғулланмоқда. Бу борада маҳаллалар, ўқув юртларида семинарлар, учрашувлар ўтказилмоқда, ўқув қўлланмалари, кўргазмали тарғибот воситалари чоп этилмоқда.

"Камолот"нинг дастурий мақсадларига эришишда ёшларнинг бевосита иштирок этиш механизмлари яратилмоқда. Ушбу йўналишда ёшлар етакчиларини тайёрлаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшларда новаторлик кўникмаларини шакллантириш билан шуғулланадиган "Етакчи" ўқув маркази фаолият юритмоқда.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳузурида тузилган "Камалак" республика болалар ташкилотининг туман, шаҳар ва вилоятларда 4,2 миллион нафардан ортиқ мактаб ўқувчисини бирлаштирган бўлимлари ишлаб турибди. "Камалак" болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маънавият ва маърифат соҳаси, уларнинг жонажон ўлкамиз тарихи, маданияти бўйича билимини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Шу билан бирга, қурултойда сўзга чиққанлар сўнгги пайтда "Камолот" фаолиятида жиддий камчиликлар мавжудлиги ва улар ҳаракатнинг Низом ва Дастурида белгиланган мақсад ҳамда вазифаларни тўлиқ амалга ошириш имконини бермаётганини таъкидладилар. Бу, Президент Ислом Каримовнинг жорий йил 10 октябрдаги қарорида қайд этилганидек, биринчи галда, ёшларнинг орзу ва интилишларини рўёбга чиқариш, уларга жамиятимизни ижтимоий, иқтисодий ва маънавий янгилаш жараёнида ўз ўрнини топишда кўмаклашиш масаласига тааллуқлидир. Айрим ҳолларда ҳаракат фаолиятида расмиятчилик, тадбирларни шунчаки ҳисобот учун ўтказиш, ёшларнинг ҳаётий муаммоларидан узоқлашиш ҳолатлари кузатилмоқда, ёш етакчиларнинг қобилият ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Бу ёшлар, айниқса, олис туманларда яшаётган ёшларнинг "Камолот" олдига қўйилган амалий вазифалардан четда қолишига олиб келмоқда. Шунингдек, ёшлар, айниқса қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда замонавий дунёқарашни шакллантириш, йигит-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга етарлича эътибор қаратилмаяпти.

(Давоми 2-бетда)

БИР ЁҚЛАМА ЁНДАШУВ ҲАМДА ДИН ВА ЭТИҚОД КАБИ НОЗИК МАСАЛАЛАРГА НИСБАТАН «ИККИ ЁҚЛАМА АНДОЗАЛАР»ДАН ФОЙДАЛАНИШ. ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ АҚШ ДАВЛАТ ДЕПАРТАМЕНТИ ТОМОНИДАН ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ВА ЎЗБЕКИСТОН ҲАМ ТИЛГА ОЛИНГАН «ДИНИЙ ЭРКИНЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ЖИДДИЙ ТАШВИШ УЙҒОТАЁТГАН ДАВЛАТЛАР» ДЕБ АТАЛМИШ РЎЙХАТНИ АНА ШУНДАЙ ШАРҲЛАМОҚДАЛАР.

ЎЗБЕКИСТОН НУҚТАИ НАЗАРИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Яқинда Хитойнинг «Синьхуа» ахборот агентлиги юқорида айтиб ўтилган рўйхат эълон қилиниши билаңоқ, Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги баёнот билан чиққани ва унда Тошкент АҚШни ўз ички ишларига аралашаётганликда айблаётгани тўғрисидаги хабарни тарқатди.

Хитой агентлигининг қайд этишича, «Ўзбекистон халқаро терроризмнинг мусулмонларнинг муқаддас дини бўлмиш ислом дини билан боғланишини доимо қоралаган ва бунга ҳар доим қарши чиқади».

Ўзбекистон ТИВнинг баёнотига тўхталиб, «Синьхуа» мазкур ҳужжатда «Ўзбекистонда 18 дин конфессияси вакиллари тинч-тотувликда яшаб келиб, ўз диний маросимларини эркин тарзда амалга ошираётгани, ўтган йиллар давомида мамлакатда бирорта ҳам динлараро зиддият ёки можароли ҳолат қайд этилмагани» тўғрисидаги фикрларни келтиради.

Мисрнинг «MENA» ахборот агентлиги ҳам АҚШ Давлат департаменти томонидан эълон қилинган рўйхат ва Ўзбекистонга нисбатан айтилган айбловларни мамлакатимизнинг ички ишларига аралашиш, деб ҳисобламоқда. Агентликнинг қайд этишича, АҚШ ташқи сиёсат маҳкамасида Ўзбекистон ўз фуқароларининг эътиқод ҳамда виждон эркинлигини чекламоқда, деб айблаш учун ҳеч қандай асос ва факт йўқ. Ўзбекистоннинг бу масаладаги нуқтаи назарини қўллаб-қувватлаган ҳолда «MENA» мамлакатимиз Ташқи ишлар вазирлиги баёнотига мурожаат этиб, Ғарб сиёсатчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари исломни терроризм билан боғлаётгани ва «сўз эркинлиги» ниқоби остида миллионлаб мусулмонларнинг шаъни ва миллий қадриятларини таҳқирлаётганини таъкидлайди.

«Жаҳон» АА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг раиси А.Аҳадов тақдим этди. Ҳужжатнинг муҳокамаси чоғида солиқ тизимини янада такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилга мўлжалланган солиқ сиёсатининг асосий йўналишларида назарда тутилган чора-тадбирларни амалда рўёбга чиқариш зарурлиги уқтирилди. Барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари қонун лойиҳаси хўжалик юритувчи субъектларга ва жисмоний шахсларнинг даромадларига солиқ юкини янада камайтиришга, солиқ солиш тартибини бирхиллаштиришга қаратилганлигини таъкидладилар. Депутатлар киритилган таклифларни инобатга олган ҳолда Қонунни қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2006 йил тўққиз ойидаги ижроси якунлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари С.Бекенов ахборот берди. Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг раиси А.Аҳадов ушбу масала юзасидан қўшимча маъруза қилди.

Мамлакат асосий молиявий ҳужжатининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиш чоғида ҳисобот даврида мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш давом эттирилганлиги, бюджет-солиқ сиёсати хўжалик юритувчи субъектларга солиқ юкини камайтирган ҳолда бюджетнинг даромадлар ва харажатлар қисмлари мувозанатини таъминлашга қаратилганлиги, иқтисодий ўсиш ижтимоий муаммоларни муваффақиятли ҳал этишга ёрдам берганлиги таъкидланди. Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2006 йил тўққиз ойидаги ижроси якунларини тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

(ЎзА)

Конституциямиз яшамоқда ва амал қилмоқда

ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ МАСЪУЛИЯТЛИ БУРЧИ

РИВОЖЛАНГАН ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТЛАРДА, ҲЕЧ БИР ФУҚАРО ЎЗ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИНИ, ЎЗИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШНИ КОНСТИТУЦИЯСИЗ ТАСАВВУР ҚИЛА ОЛМАЙДИ.

Чунки ҳар бир шахс кундалик ҳаётида Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган қоида ва нормаларга бевосита мурожаат қилади ҳамда ушбу Асосий Қонунга ўзининг ҳаётдаги мақсадларининг амалдаги рўёби, ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати сифатида қарайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда яшаётган ҳар бир шахс Конституциянинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб олиши ҳамда шахсий ҳаётида учраб турадиган муаммоларнинг ечимини айнан Конституцияда топа билиши зарур.

Зеро, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришдаги энг муҳим қадам фуқаролар томонидан Конституцияни ўрганиш ҳамда уни ҳаётга татбиқ этишдан бошланади.

Лекин, ҳозирги кунда кўпчилик аҳоли қатлами вакилларининг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини яхши билмаслиги, шунингдек Конституциянинг уларнинг ҳаётидаги ҳақиқий ўрнини белгилаш муаммоси олдимизда турган вазифалар сирасига киради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳам айнан ушбу вазифаларни рўёбга чиқаришга қаратилган. Дарҳақиқат, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражаси Бош Қомусимизнинг қай даражада оммавий равишда ўрганилиши ҳамда уни ҳаётга татбиқ қилинишига боғлиқ. Мана шу мақсадда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясини болалар боғчасидан бошлаб ўргатиш, мактабларда дарслик тариқасида ўқитиш ҳамда олий ўқув юртларида эса махсус дарс сифатида ўргатилишини долзарб вазифа этиб белгилади.

Шундан келиб чиқиб, Фармон асосида 2001 йил 1 сентябрдан мамлакатимизда узлуксиз ҳуқуқий таълимнинг асоси ҳисобланмиш Конституцияни ўрганиш мактабгача таълим муассасидан то олий таълимнинг юқори босқичи— магистратурагача этиб белгиланди.

Бош Қомусимизнинг мазмун-моҳиятини ёшларга тушунтириш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасини оширишда ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқот ишларининг амалий аҳамияти катта. Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, уларга мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ва ёшлар ҳаётида Конституциямизнинг тутган ўрнини тушунтириш мақсадида Тошкент Давлат юридик институти томонидан ҳар йили октябрь-декабрь ойларида талабаларнинг ўзига хос «Конституциявий тарғибот поездлари» ташкил этилади. Ушбу тарғиботлар мактаб, коллеж, олий ўқув юртлари ҳамда маҳаллаларда ўтказилиб, аввало аҳолининг ҳуқуқий онги ва ёшларнинг Конституциявий саводхонлиги даражасини янада ошириш мақсадида ташкил этилмоқда. Бундай тадбирлар ҳозирги кунда ўзининг қизғин палласига кирган. Ўйлаймизки, ушбу эзгу ишларда ҳар биримиз фаол иштирок этишимиз даркор.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш ҳар бир фуқаронинг юксак ва масъулиятли бурчидир.

Фикримизни мухтасар қилиб айтганда, Конституциямизнинг баркамол авлодни тарбиялашдаги ўрни беқиёс, у ёшларда Ватанга садоқат, мардлик, ўзаро дўст-биродарлик туйғуларини юксалтиришга хизмат қилади. Бош Қомусимизнинг энг катта ютуғи унда халқимизнинг кўп асрлик анъаналари, урф-одатлари ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлашганлигидир. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси миллий, умумбашарий ва умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир.

Ушбу ҳужжат моҳиятини ҳар биримиз чуқур ўрганишимиз ва ҳаётимизда қўллай олишимиз муҳим аҳамиятга эга.

Бекзод МУСАЕВ,
Вафо ҲАЙИТОВ,
Тошкент Давлат юридик институти талабалари

ВАТАНИМИЗ КЕЛАЖАГИ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўқув жараёнининг сифати, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун шароит яратиш ўқув юртларидаги бошланғич ташкилотлар эътиборидан четда қолмоқда. Бундан ташқари, ўқув юртларини тугатган битирувчиларни ишга жойлаштириш, ёш мутахассисларга малака оширишда кўмаклашиш борасида "Камолот" олиб бораётган ишлар ҳам талаб даражасида эмас. Ўз ишини бошлаш истагидаги ёш фермерлар ва тадбиркорларга ёрдам кўрсатиш учун мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Буларнинг барчаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячиси бўлиши, орзу-умидларини рўёбга чиқарувчи, ёшларга доир давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга татбиқ этишда уларнинг ваколатли вакили бўлиши учун ташкилот фаолиятининг самарадорлигини оширишни талаб этади. Бу борада асосий саъй-ҳаракат мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар жараёнида ёшларнинг иштирокини кенгайтириш, уларда халқимиз маънавияти ва миллий истиқлол ғоясига ёт бўлган турли оқимларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, ўз истеъдоди ва қобилиятини намоён этиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, уларни мамлакатимиз равнақи йўлидаги хайрли ишларга жалб қилишга қаратилиши лозим. Шу сабабли белгиланган вазифаларни амалда бажариш тизимини ташкил этиш, ёшларнинг илм-фан, техника, ахборот технологиялари, маданият, санъат, спорт, тадбиркорлик соҳасидаги ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, давлат ва жамоат тузилмалари, ёшлар халқаро ташкилотлари билан ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш даркор.

Ушбу асосий йўналишлар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг қурултойи делегатлари муҳокамасига ҳавола этилган янги таҳрирдаги Низом ва Дастурида ўз аксини топди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Г. Аъзамова ушбу ҳужжатларнинг янги таҳрирдаги лойиҳаси тўғрисида ахборот берди.

"Камолот"нинг Низом ва Дастурига зарур ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш мақсадида ташкил этилган махсус марказга республикамизнинг турли ҳудудларида яшаётган ёшлардан 5 мингдан ортиқ таклиф тушди. Тайёрланган ушбу ҳужжатлар лойиҳаси ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари, шунингдек, махсус очилган сайтларда, ёшлар газеталари саҳифалари, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларда кенг муҳокама қилинди.

Янги таҳрирдаги Дастурда "Камолот" ҳаракати ўз фаолиятини амалга ошираётган олтита асосий соҳа белгилаб олинди. Улар – демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида, маънавият ва маърифат, ижтимоий-иқтисодий соҳалар, шунингдек, истеъдодли ва қобилиятли ёшларни қўллаб-қувватлаш, спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантириш, ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлаш, халқаро ҳамкорлик соҳаларида фаол иштирок этишдир.

"Камолот"нинг янги Низомида ёшларни касбга йўналтириш ва иш билан таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий ёрдам марказлари тармоғини кенгайтириш, уларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятини ривожлантириш борасида бошқа жамоат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш каби вазифалар ўз ифодасини топган. Шунингдек, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташкилий тузилмаси, аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланди. Эндиликда унга 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ҳар бир йигит-қиз аъзо бўлиши мумкин.

Қурултойда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг ҳисобот давридаги фаолияти тўғрисида "Ёш куч" журнали бош муҳаррири Ю.Жўраев маъруза қилди.

Қурултойга республикамизнинг турли ҳудудларидан делегат бўлиб келган ёшлар – Ўзбекистон Миллий университети "Камолот" ҳаракатининг бошланғич ташкилоти етакчиси С.Жўрабоев, Жиззах шаҳридаги 22-мактаб ўқувчиси Ю.Ҳамроқулова, Наманган вилоятидан ҳарбий хизматчи Б.Исломов, ҳаракатнинг Андижон вилоят кенгаши фаоли А.Нурматов, Навоий шаҳридаги 1-гимназиянинг етакчилар кенгаши раиси Т.Турдиев ва бошқалар ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятини янада яхшилаш борасидаги ўз фикр ҳамда таклифларини билдирди. Улар ўз чиқишларида Юртбошимизнинг ёшларга кўрсатаётган доимий ғамхўрлиги ёш авлод вакиллари зиммасига алоҳида масъулият юклаши, бошланғич ташкилотлар ҳамда ёшлар ҳаракати аъзоларини янада фаол бўлишга ундашини таъкидладилар.

Делегатлар муҳокамасидан сўнг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг янги таҳриридаги Низоми ва Дастури қабул қилинди.

Қурултойда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Марказий кенгаши таркиби сайланди. А.Алимов Марказий кенгаш раиси этиб сайланди.

Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Қосимов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби А.Азизхўжаев, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

Кўргазмалар

ҚУРИЛИШ АШЁ ВА ЖИҲОЗЛАРИ НАМОЙИШИ





МАМЛАКАТИМИЗДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА КЕНГ КЎЛАМДАГИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДАКИ, БУ ҚАД РОСТЛАЁТГАН МУҲТАШАМ БИНОЛАР, САЛОБАТЛИ ИНШООТЛАР, РАВОН ЙЎЛЛАРУ ЗАМОНАВИЙ КЎПРИКЛАРДА АКС ЭТМОҚДА. АЛБАТТА, МУСТАҲКАМ ВА ЗАМОНАВИЙ ИНШООТЛАРНИ ТИКЛАШДА СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАРНИНГ ЎРНИ АЛОҲИДАДИР.

Бу борада бунёдкорларимизга маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган ҳамда хориждан келтирилган қурилиш ашёларидан фойдаланиш яхши самаралар бермоқда. **КУНИ КЕЧА** пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь Тошкент» меҳмонхонасида очилган «Build Expo Uzbekistan—2006» қурилиш материаллари ва ускуналари, дераза ва эшиклар, яхлатириш ва иситиш системалари бўйича Халқаро кўргазмасида ҳам Германия, Россия, Туркия, АҚШ, Хитой, Қозоғистон давлатлари ва республикамизда фаолият кўрсатаётган 30 та компания ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. Шуниси эътиборлики, кўргазма экспозициясидан қурилиш ва жиҳозлаш материаллари, қурилиш техникаси ва транспорт воситалари, тахта ва металлдан қўшма қурилмалар, алюмий, пластик ва тахтадан тайёрланган дераза ва эшиклар, пол учун паркет, иситиш системалари, сантехника ва электр жиҳозлари ҳамда бунёдкорлик учун зарур бўлган бошқа кўплаб ускуна ва ашёлар ўрин олган.

Кўргазма ташкилотчилари ҳақида алоҳида тўхталиш лозим. Ташкилотчилардан бири TNT Proauction, Inc (АҚШ) компанияси кўргазмалар ташкил қилиш ва телевизион дастурлар чиқариш билан шуғулланиб, охирги 20 йил мобайнида АҚШнинг барча шаҳарларида 200 дан ортиқ Ҳамдўстлик давлатларида эса 100 дан зиёд ихтисослаштирилган кўргазмаларни ташкил этди. Яна бир ташкилотчи ADG Trade Fairs (Туркия) компанияси эса 1997 йилда фаолиятини бошлаган бўлиб, бугунги кунда Туркияда қурилиш, озиқ-овқат саноати, автомобиль секторлари бўйича 6 та, Россия, Грузия, Ўзбекистон ва Сурия давлатларида қурилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги бўйича 6 та кўргазма ташкил қилмоқда. Кўргазма Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, «Ўзқурилишматериаллари» акционерлик компанияси ҳамда Туркия давлати кўмагида ўтказилаётганини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Иштирокчи ва ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотган ушбу халқаро кўргазмада мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ва ўзларининг импорт ўрнини босувчи рақобатбардош қурилиш ускуна ва жиҳозлари, бунёдкорлик ашёлари билан нафақат ички, балки ташқи бозорда муносиб ўрин эгаллашга интилаётган 19 та корхона ва фирмалар ҳам бор. Айниқса, «Ўзэлектроаппарат-электрошит Самара», «DECORIMEX» қўшма корхоналари, «QIZIL TOSH», «EL-BI ELEKTRIK», «XORIJQUPILISH», «FAYAN TRANS» масъулияти чекланган жамиятлари, «Мир окон» хусусий фирмаси маҳсулотлари кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. Туркиянинг «MAKEL», «SUPRA PLASTIK» ERTAY ALUMINYUM», «DISAYN GROUP» компанияларида ишлаб чиқарилган қурилиш ашёлари ҳам сифати билан ажралиб турибди.

— Компаниямизда 500 хилдан зиёд электр жиҳозлари тайёрланади, — дейди «MAKEL» компаниясининг экспорт бўйича менежери Гулбеян Алтинок. — Биз ўз маҳсулотларимизнинг 50 фоиздан зиёдини экспорт қиламиз. Ушбу халқаро кўргазмадан асосий мақсадимиз Ўзбекистонда ҳамкорлар орттириш, сифатли маҳсулотларимиз билан бино ва иншоотларни жиҳозлашга муносиб ҳисса қўшишдир. Ҳамкорлик самараларидан умидвормиз.

— Халқаро кўргазмада биринчи бор иштирок этяпмиз, — дейди пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Мир окон» хусусий корхонаси бош директори Назирилла Юсупхўжаев. — Маҳаллий ва четдан келтирилган хом ашёдан — яъни ёғочни қайта ишлаш асосида эшик, ром, паркет маҳсулотлари тайёрлаймиз. Ҳозиргача маҳсулотларимиз тури 10 тадан ортиб кетди. Яқинда эса тахтадан мебель маҳсулотлари учун қоплама —шпонлар тайёрлашни ҳам йўлга қўйдик. Маҳсулотларимизни тайёрлашда хорижий дастгоҳлар ҳамда Германия ва Италия технологияларидан оқилона фойдаланаяпмиз. Кўргазмадан кўзланган асосий ниятимиз эса ҳамкорлар орттириш, хориж бозорига чиқиш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириб, маҳсулот турларини кўпайтиришдир. Биринчи кунданоқ бир нечта шартнома тузишга муваффақ бўлганимиз қувонарлидир.

Уч кун давом этадиган ушбу халқаро кўргазма қурилиш ашё ва жиҳозлари ишлаб чиқарувчи компаниялар салоҳиятини яна бир бор намоён этиб, бунёдкорлик қўлами ва сифатига, фойдали шартнома имзолашга муҳим ҳисса қўшиши, шубҳасиз.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: кўргазма фаолиятидан лавҳалар.
Наталья Семёнова ва Аъло Абдулаев (ЎзА) олган суратлар

БОРОБУДУР – ОРОЛЛАР МАМЛАКАТИНИНГ АФСОНАВИЙ ЁДГОРЛИГИ

Шу йилнинг сентябрь ойида ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацуура халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, маданиятлараро ва динлараро мулоқотни ривожлантириш ҳамда таълим тизимига бағрикенгликни тадбиқ этиш ишига қўшган ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси Президентига «Боробудур» медалини топширганидан сўнг бу мафтункор ном кўпчиликнинг хотирасига мухрланиб қолди...

Бу мўъжизавий тарихий иншоот Индонезиянинг Ява оролида жойлашган. Боробудур катталиги жиҳатидан дунёда учинчи ўринда турадиган будда ибодатхонаси ҳисобланади.

Кўҳна ҳинд афсоналарида ёзилишича, ушбу улкан ибодатхона мажмуининг қурувчилари Ява оролида афсонавий Мера тоғини, унда бутун борлиқ жойлашган тиллакор чўққини бунёд этишга ҳаракат қилишган. Боробудур ана шундай ният ҳосиласи сифатида дунёга келган. У катталиги жиҳатидан Комбоджадаги Ангкор ҳамда Бирмадаги Шведагон иншоотидан кейинги учинчи ўринда турсада, жанубий ярим шардаги энг йирик буддавий-ҳиндуизм ёдгорлиги ҳисобланади.

Боробудур тақрибан 800 йиллари Саилендара династияси даврида қурилган. Ушбу ибодатхона тоғини барпо этиш учун қарийб 75 йил зарур бўлган. Қурилишга сон-саноқсиз ишчилар, ҳунарманд ва ҳайкалтарошлар жалб этилган. Орадан 200 йил ўтгандан сўнг у ташландиқ ҳолига келиб қолган. У аста-секин емирила борган, чор-атрофдан чангаллозорлар «босиб» кела бошлаган. Кейинроқ эса Наполеон билан уруш кечаётган кезларида инглиз экспедиция қўшинлари Ява оролига келишган. Ўшанда бир инглиз офицери Боробудурни кашф қилган.

Сўнгра ибодатхона ўзини қоплаб олган чангаллорнинг дарахт ва ўсимликларидан халос этилди. 1907 йили эса голландиялик археологлар ёдгорликни таъмирлаш ишларини бошлашди. Кейинроқ, яъни 1970 ва 1980 йилларда ЮНЕСКО кўмагидаги катта миқёсдаги таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Юқоридан қараганда Боробудур улкан геометрик белги ҳамда муқаддас «мандола» (санскрит тилида «доира» ва «марказ» маъноларини англатади) рамзи, яъни осмон ва замин бирлашиб кетган бутун борлиқ диаграммаси кўринишини касб этади. Ибодатхона мажмуи тепаликда, тепаликлар қуршовида қурилгани туфайли у шакл жиҳатдан зинали эҳромни эслатади. Унинг баландлиги 34 метрдан иборат. Мутахассисларнинг маълум қилишича, у 55 000 куб метр тошдан ташкил топган. Ёдгорлик пастки қисмидан бешта тўрт бурчакли айвон жой олганки, улар Ер рамзини англатади. Булар устидаги учта доирасимон айвон эса Руҳлар дунёсининг рамзидир.

«Боробудур» медали мазкур ёдгорлик билан боғлиқ, албатта. 1972 йили ЮНЕСКО Боробудурни асраб қолиш бўйича халқаро кампания ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Шу мақсад йўлида қарийб 20 миллион АҚШ доллари сарфланди. 1983 йили кампаниянинг муваффақиятли якунланиши муносабати билан ЮНЕСКО «Боробудур» медалини таъсис этди. У маданият, маориф, фан ва ахборот тараққиётига алоҳида ҳисса қўшган арбобларга тақдим этилади.

Ҳар йили Боробудурни томоша қилиш учун 2,5 миллион сайёҳ келади. 1991 йили ушбу ёдгорлик ЮНЕСКО нинг умумжаҳон мерослари рўйхатига киритилган.

Шуҳрат УМИРОВ,
«Жаҳон» АА

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ҳар давлатнинг ўз қонунчилиги, Бош қомуси бўлмиш Конституцияси мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ғоялари, мақсадлари, руҳи, ҳар бир қоидаси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, бир неча асрлар мобайнида илғор ва етакчи мамлакатларда шаклланган демократик қадриятлар, миллий давлатчилик, шунингдек, бир неча йиллардан буён авлоддан-авлодга мерос бўлиб келаётган ўзбекона ва шарқона давлатни адолатли идора этиш анъаналарини ўзида мужассамлаштиради.

Шунинг баробарида Конституция мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя этишда муҳим аҳамият касб этади.

Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси, Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан Сергели туман ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 14 йиллиги муносабати билан «Конституция — ҳуқуқимиз асоси» мавзуидаги йиғилишда айнан шу масалага эътибор қаратилди.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Р.Нодиров, Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими раҳбари И.Абдуғаниев, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси етакчи мутахассиси А.Бердиев, Сергели туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Раҳимжоноваларнинг фуқароларнинг бурчлари ва уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза этишда Конституциянинг аҳамияти, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида Конституция белгилаб берган имкониятлар, Бош Қомусимизнинг аҳамиятини ўрганишда Сергели туманида олиб борилаётган ишлар ва бошқа кўплаб мавзуларга тўхталиб ўтдилар.

Йиғилиш сўнггида кўтарилган фикрлар асосида келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Тадбирлар

КОНСТИТУЦИЯ — ҲАЁТИМИЗ ҚОМУСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР КУТУБХОНАСИДА «КОНСТИТУЦИЯ — МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА» ДЕБ НОМЛАНГАН ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.



Анжуманда Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия подполковниги Ёқубжон Содиқов, Республика Маънавият тарғибот марказининг етакчи мутахассиси Аллаёр Бобохонов сўзга чиқиб, ҳаётимизнинг Асосий Қонуни бўлмиш, яъни давлатимиз ва жамиятимизнинг нафақат бугунги куни, ҳаёт тарзи, балки келажагини ҳам белгилаб, эзгу мақсадларимизнинг ҳуқуқий замин ва пойдеворини мустаҳкамлаб берувчи Конституциямизнинг моҳияти ва аҳамияти, ҳар бир фуқаронинг ҳаётида тутган ўрни хусусида батафсил тўхталиб ўтдилар.

Шаҳримиздаги 64-мактаб ўқувчилари ўзларининг кўнгилочар мусиқий чиқишлари ва саҳна кўринишлари билан тадбирнинг янада сермазмун ўтишини таъминлашди.

Дарҳақиқат, бир сўз билан айтганда жамиятимизда, ҳар қайси оила ва фуқароларимиз ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар содир бўлаётган бўлса, буларнинг барчасини Конституциямизда белгилаб қўйилган талаб ва қоидаларнинг ҳаётимиздаги амалий ифодаси деб тушунамиз. Конституция эса ҳаётимиз Бош қомусидир.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.
Наталья Семёнова олган сурат.

Коммунал хизмат

БОҚИМАНДАЛИКДАН ХОЛИ БЎЛАЙЛИК





Яқин биродарларимиздан бири киноя қилиб қолди:

— Бу сизлар нималарни ёзасиз ўзи? Йўлагимизда электр тез-тез ўчиб туради,— дея, яна бир қанча важларни келтириб ўтди. Шуларни ёзсаларингиз бўлмайдими?

— Кечирасиз, — дедим мен ҳам бироз қизишиб, — олдин сизга бир савол билан мурожаат қилсам майлими?

— Ҳаммаси кундек равшан-ку. Қани, яна қанақа савол бўлиши мумкин?

— Айтинг-чи, коммунал тўловларни ўз вақтида тўлаб турасизми?

— Бу саволнинг менинг гапимга нима дахли бор?

— Олдин айтинг...

Сўраб-суриштирсак «бечора» шикоятчим бир йилдан бери на иссиқ сув, на электр, на газ тўловлари билан ҳисоб-китоб қилишни хаёлига келтирмаган экан.

— Энди айтинг. Ким ҳақ?

Бу саволим уни анча ўйлантириб қўйди ва ниҳоят ўзини оқлаш учун деди:

— Нима, биргина мен тўламаганим билан катта қозон қайнамай қолармиди?

— Катта қозон қайнайди, қайнайвераді. Лекин «биргина мен билан» дейдиганлар битта сиз эмас, кўпчилик бўлгандан кейин барибир қай даражададир қайновнинг пасайишига олиб келади-да.

Бошқа гапга ўрин қолмади. У қилмишини тушуниб етди, шекилли, индамай қолди.

Эътибор берган бўлсангиз, айниқса, куз охирлаб, қиш яқинлашиб, иссиқ-совуқ алмашиб турган бир даврда баъзи ҳамшаҳарларимиз оғзидан бунақа шикоятларни тез-тез эшитиб турамиз. Лекин бундайларнинг аксарияти олдин ўзларига боқиб, кейин ноғора қоқмайдиларда, ўзларидан эмас, ўзгалардан ўпкалаб юришади. Шундайларга яна тош-тарозу ҳақида сўз очиб ўтирмай, бир ибратли мисол келтирсак балки ўринли бўлар.

Карим ота ён қўшнимиз. Пенсия оладилар. Кўпинча уларни кўча-кўйда қўлида газ, электр тўловлари дафтарчалари билан учратаман. Саломлашиб хол-аҳвол сўрашгач, атайлаб отани гапга соламан.

— Қаердан келяпсиз?

— Эй бўтам, кеча пенсияни олувдим. Коммунал тўловлар кўпайиб кетмасин деб, иссиғида ҳисоб-китоб қилиб келяпман.

— Ўзингиз овора бўлмай, набираларга буюрсангиз бўлардику?

—Ёшлар ўйинқароқ, уларга кўпда ишониб бўлмайди. Бошқа юмушлар билан бўлиб вақтида тўлашни унутишади. Олмоқнинг бермоғи бор. Ана шу ҳисоб бузилса, ўртадан барака қочади бўтам.

Бу лўнда гапни шарҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Фақат бир гапни такрорлашга тўғри келади. Олдингми, шунга яраша бер. Бу ҳаёт қонуни. Бунга амал қилмаган одам йўлидан, ҳисобидан адашади. Сабаби эса оддий. Ҳар нарсанинг ҳисоб-китоби бор.

Таҳририятга хат келди. Мазмуни «анчадан бери хонадонимизга иссиқ сув келмайди»дан иборат. Текширдик. Беш қаватли бинонинг шикоят ёзилган йўлагида яшовчи ўн оиладан атиги иккитасигина иссиқ сув тўловини вақтида тўлаган. Қолганлари қарз. Ҳатто йиллаб тўловни унутганлари ҳам бор. Шу сабабли иссиқ сув тизими таъминотдан узиб қўйилган. Қизиғи шундаки, ҳисоб-китобни унутган оилаларнинг кўпчилиги бой-бадавлат яшашади. Улар йил сайин уйларига хориж мебелларини, янги маркадаги машиналар олишни унутишмайди-ю, аслида улар учун «қўл учи» бўлган коммунал тўловларни тўлашдан бош тортишади. Энди буни қандай тушунмоқ керак? Нега улар учун ўзгалар жабр тортиши керак. Бирники мингга, мингники туманга, деганлари шумикан? Барибир нима бўлганда ҳам инсофни унутмаган маъқул. Сенинг қилмишинг учун биров азият чекса бундан ёмони йўқ. Буни бандаси ҳам, Оллоҳ ҳам кечирмайди.

Шу куни яна бир ҳолатга диққатимизни қаратдик. Разм солиб турсак, уй йўлаклари яқингинада таъмирдан чиқарилгани кўриниб турибди. Кираверишга қулф-калитли темир эшик ўрнатилган. Истиқоматчилардан сўрасак, қайсидир ҳомий ташкилот йўлакларни таъмирдан чиқариб берганини айтишди. Лекин бу сахийликка қайси ташкилот қўл урганини ҳеч ким айтиб беролмади. Бу ҳам узумини еб, боғини суриштирмагандек бир гап. Бутун бошли йўлакни кимлардир таъмирлаб, сенинг тинчингни ўйлаб, ҳатто йўлакка темир эшик ўрнатиб берса-ю, лекин қайси олийҳиммат инсонлар томонидан бу иш амалга оширилганлигини билмасанг, сўраб-суриштирмасанг. Бу ўзгалар меҳнатига ўта ҳурматсизлик эмасми? Янги бўёқдан чиқарилган йўлак деворларига ажи-бужи чизиб ташланган «кўргазмали ҳаттотлик» амаллари ҳам буни исботлаб турибди. Айбни болалар шўхлигига ағдариш билан ўзни оқлаб бўлмайди. Ахир ўша «шўхлар»ни ҳам тарбиялайдиган ота-она, улар билан елкама-елка яшаётган қўшнилари ҳам бор. Комил ишонч билан айта оламизки, агар шунча меҳнат, шунча сарф-харажат шу йўлакда яшовчиларнинг ўз сармоялари томонидан амалга оширилганида меҳнатга бунчалик ҳурматсизлик бўлмасди. Боқимандалик бир сари, ўзгалар меҳнатининг қадрига етмаслик ундан баттари.

Тежамкорлик ҳақида кўп гапирамиз. «Тежамкорлик — бежамкорлик» сингари чиройли қофиядош сўзларимиз бор. Лекин ҳар биримиз учун кони фойдадан иборат бўлган бу сўзларга ҳамиша ҳам амал қиламизми? Агар шундай бўлганида бир дона гугуртни исроф қилмаслик учун кечаси билан газ ўчоқни ёқиб қўймасдик. Гугурт ҳамёнимиздаги пулга келишини ўйлардигу, давлат ҳисобига кетаётган ботмон-ботмон газнинг ҳисобига етмасдик. Хайриятки, хонадонларимизга газ ўлчагич кирдию тежамкорликнинг бу усулидан воз кечдик. Бир дона гугурт билан кечаси тўхтовсиз ёниб чиқадиган газнинг ҳисоб-китобига етдик. Ҳали-ҳануз ҳисоблагич ўрнатилмаган баъзи хонадонларда бу усулдан бутунлай воз кечилган деб бўлмайди.

Автобусдаги гап.

—Иссиқхонага бу йил нима экдиз?

— Гул. Ўтган йили помидор экканман. Баҳоси пасайиб ўзини оқламади.

— Гул жуда нозикда. Қиш совуғидан қандай асрайсиз? Кўмир танқис бўлса, нима билан иситасиз?

— Тайёр газ бор-ку?

— Қишда хонадонларга газ етмайди деб иссиқхонага киритилган газларимизни бу йил таъминотдан узиб кетишди-ку?

— Қизиқ экансиз, шунга қараб ўтирасизми? Нима кўп пишиқ-пухта шланкалар кўп. Улардан уч-тўрт метрини топиб, газни улаб ўғринча иссиқхонангизга киритиб олаверасизда. Агар кўмир ёқаман десангиз хунингиз кетадику?

— Тўғри айтасиз. Шунисини ўйламабман...

Ана «донишмандлик»нинг яна бир усули. Энди бунисига нима дейсиз? Бу тежамкорликми ёки бежамкорлик? Афсуски, ўзим бўлай, ўзгани қўй, дегувчи ишбилармонларнинг бундай «ихтиро»ларига ҳам тез-тез дуч келиб турибмиз. Электр таъминотида ҳам бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Антиқа йўллар билан ҳисоблагични орқага суриб ўзини эмас, ҳатто давлатни қарздор қилиб қўядиган азаматлар ҳам йўқ эмас орамизда.

Қиш тайёргарлигини ҳар жиҳатдан самарали олиб бориш, қорли-қировли кунларни бенуқсон ўтказиш, жойлардаги нуқсонлардан ўз вақтида хабар топиш, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг аҳоли билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси қошидик. Баъзи ҳолларда сансалорликларга дуч келардик. Марказ билан ҳамкорлигимиз туфайли ишимиз анча енгиллашди, — демоқда аҳоли.

Марказ ташкил топгандан бери унинг манзилига, турар жойлардан мингдан ортиқ хабарлар келганининг ўзиёқ унинг аҳоли билан алоқаси тобора кучайиб бораётганлигини кўрсатади. Лекин баъзи ечими тўлимайдиган хабарлар ҳам бўладики, улар фақат беҳуда оворагарчиликларга сабаб бўляпти холос. Ҳатто улар орасида ўша ерлик аҳолининг кучи билан бартараф этса бўладиган вазиятларни ҳам учратасиз. Бу борада етти ўлчаб бир кесмоқ лозим. Ахир ўз қўлимиздан келадиган ишни бажариб беришни ўзгалардан талаб этишимиз инсофданми? Бир муаммо юзасидан таклиф ёки шикоят қилаётганимизда аввало мана шу саволни ўз олдимизга қўйсак айни муддао бўлади. Инсоф юзасидан айтганда лозим бўлмаган жойда ўзимиз пайдо қилган ахлатхонани тозалаб бериш ишига бошқаларни жалб этишга уринишимиз бу бориб турган боқимандаликнинг ўзгинаси. Бу биргина мисол, бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Шу ўринда яна бир ижобий жиҳатни — ширкатлар ишида ҳам анча жонланиш, фаоллашув сезилиб қолганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Биринчидан, аҳоли эҳтиёжи ва талаби билан улар сони йил сайин ошиб боряпти. Айни кунларда 250 хонадонга битта ширкат тўғри келадиган бўлди. Ширкатларнинг бу тарзда ихчамлашуви, фақат истеъмолчиларга қулайлик яратиш, уларга намунали хизмат кўрсатиш, ўзаро алоқани яхшилаш ниятида қилинаётган хайрли ишдир. Иккинчидан, бу усул «мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилидаги ишларга бирмунча барҳам бераяпти. Сабаби, бугунги ширкат таъмирловчиси қўл учида бажарилган иши эртага ўзи учун ортиқча ташвиш келтиришини яхши тушунади. Чунки бугун ширкатларда олдинги ЖЭКлар ҳузурида бўлганидек, бир неча ўнлаб турли хизмат (сан-манга солувчи), таъмирловчилар эмас, балки оз сонли ишчилар фаолият юритишади. Кўриниб турибдики, баҳона излашга чора йўқ. Кимнинг қандай ишлаши беш қўлдек аниқ.

Олдинлари юзлаб, минглаб оилаларга биттагина қозонхона орқали иссиқлик тарқатилган бўлса, бугун уларнинг сони ҳам ортиб қолгани ҳаммага аён. Ҳатто баъзи жойларда беш-олтита кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатадиган кичик қозонхоналарнинг бунёд этилаётганини фақат табриклаймоқ керак.

Қиш комплекс тайёргарликни ёқтиради. Масалан, бу тадбирлар орасида томларни таъмирдан чиқариш, ертўлаларни сувдан тозалашдан тортиб, то дарахтларга шакл бериш, тўкилган хазонларни супуриб-сидиришгача бўлган ишлар киради. Агар бугун катта кўчалар бўйлаб қатор экилган, ёзда соя-салқин берувчи дарахтларнинг ҳар томонга ўсиб кетган шох-шаббаларини кесиб ташламасак, улар эртага қор босиб синиб кетиши ёки қаттиқ шамол туфайли чайқалиб тагидан ўтган электр симларини узиб, йўловчилар учун хатарли ҳолатни юзага келтириши эҳтимолдан холи эмас. Шу боис жойларда бу иш билан шуғулланувчи ободонлаштирувчиларни ҳам учратиб турибмиз. Лекин баъзи жойларда шу кесилган шох-шаббалар ўз вақтида олиб кетилмай кўчанинг бир четини хунуклаштириб ётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Масалан, Юнусободнинг 2-мавзесида жойлашган бир қатор кўп қаватли уйлар томорқаси оралиғида пайдо бўлган қаровсиз чакалакзорлар йўқ қилинди. Улар шу қадар «болалаб» кетган эдики, томорқа эгалари уларни на тартибга келтирарди, на шу жойни ободонлаштириш илинжида юрган ён қўшнисига берарди. Ахир икки туп дарахт ўстириш билан томорқани обод этиб бўлмайди. Унга мунтазам парвариш керак, обод бўлиши учун жон куйдириш лозим. Хуллас, режали иш юритиб, биров кўрса кўргудек, кўз қувонадиган қилиб қўйсак унга ҳеч ким ола қарамайди. Аксинча йўловчи ўтишга кўрқадиган бу чакалакзорларнинг одамларга фойдасидан зиёни кўп.

Ободонлаштирувчиларга раҳмат. Икки-уч кун ичида уларни йўқ қилиб, ерларни текислаб, йўловчиларни бехавотир даражада юрадиган қилиб йўлакларни равонлаштириб кетишди. Бироқ ўша шох-шаббаларнинг бир қисми анча вақтгача йўлнинг бир четини хира қилиб ётди. Балки, улар бу шох-шаббаларни қаерга ва қандай қилиб йўқотиш йўлларини билишмагандир. Шундайларга Сергели туманида бундан бир неча йил олдин ишга туширилган шох-шаббаларни қайта таъмирловчи корхона борлигини эслатиб қўйгимиз келади.

Куз хазонрезги фасли. Ёру-кўк хазон. Холис гапни айтганда, уларни фақат фаррошларнинг кучи билан тозалаб бўлмайди. Бу ишдан жамоатчилик, айни уй бекалари четда қолмасликлари керак. Ахир ўз ҳовлисини, кўчасини, томорқасини хазонлардан тозалаш учун қанча вақт кетади? Ибратли уй бекалари бизни кечирсинлару, ҳатто ўз йўлагини тозалашни сансалорлик қилиш даражасигача етиб борган аёлларимиз ҳам ҳамон учраб туради десак хато бўлмайди.

Ўзимиз кўрган-кечирган воқеа. Онамиз тенги фаррош хотин кўча супураяпти. Энди-гина супуриб, сидирилган жойдан ўтиб бораётган икки дугона бемалол оғзини тўлдириб, писта чақиб, пўчоқларни дуч келган жойга тупуриб боришяпти. Ғашимиз келиб уларни тартибга чақирдик. Эшитганимиз «сизнинг нима ишингиз бор» бўлди. Ҳеч бўлмаса, қилмишидан хижолат тортиб кечирим сўрашса майли эди-я. Бунисига ҳам бўйинлари ёр бермади.

Икки оғиз сўз, хазонларни ёқмаслик ҳақида. Биз бу ўринда хазонлар тутунидан чиқадиган газларнинг таъсири ҳақида гапириб билимдонлик қилмоқчи эмасмиз. Бу сўзлар такрор-такрор айтилавериб ҳаммага бирдек ёд бўлиб кетган. Ҳамма гап ўша эшитганларимиздан тегишли хулоса чиқаришда қолган.

Хуллас, айтаверсак гап кўп. Бироз ошириб, эҳтиросга берилган бўлсак узр. Лекин барибир бир гапни такрор айтишдан чарчамаймиз. Ахир қачон ўз шаҳримизнинг ҳақиқий хўжайинига айланамиз? Қачон боқимандалик, куфёда халифа Язид (680-683) аскарлари билан бўлган урушда 680 йил 10 октябрь куни ўлди

7 **Ҳазрати Аббос** –Муҳаммад пайғамбарнинг амакиваччаси Абулаббос ас-Сафоҳ, аббосийлар сулоласининг асосчиси (749-754).

8 **Маъмун ибн Хорун ар-Рашид** — машҳур халифа Хорун ар-Рашид(786-809)нинг ўғли ва тахт вориси (813-833).

9 **Ботил** — бекор қилинган, бузуқ

10 **Али ибн Мусо Жаъфар (765 ёки 770-818)** – шиаларнинг саккизинчи имоми.

11 **Муқтадир биллоҳ Аббосий** – Аббосийлар хонадонига мансуб ўн тўққизинчи халифа (908-932).

12 **Қарматлар** –исмоилийлар мазҳаби шахобчаларидан бирининг тарафдорлари, IX асрда Месопотамиянинг жанубида пайдо бўлган.

13 Матнда «ал-ҳажар ал-асвад».

Семинарлар

ҚАРОРЛАР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИНИНГ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА МАЗКУР БОШҚАРМА ҲАМДА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА МУВОФИҚЛАШТИРИШ МАРКАЗИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2006 ЙИЛ 27 СЕНТЯБРДАГИ «ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ВА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛ 16 ОКТЯБРДАГИ «УСТАВ ФОНДИДА ДАВЛАТ УЛУШИ БЎЛГАН КОРХОНАЛАРНИНГ САМАРАЛИ БОШҚАРИЛИШИНИ ВА ДАВЛАТ МУЛКИНИНГ ЗАРУР ДАРАЖАДА ҲИСОБГА ОЛИНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН АСОСИЙ ҚОИДАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР-ЙИҒИЛИШ ЎТКАЗИЛДИ.

нинг вакиллари эътиборини қуйидаги масалаларга қаратдилар:

— хўжалик жамиятларининг ҳар йилги бизнес-режалари аввалги йилнинг 1 декабригача (май ойидан йилнинг охиригача узайтирилган) жамият Кузатув кенгаши йиғилишларида маъқулланади;

— Кузатув кенгаши ҳар йилги акциядорларнинг умумий йиғилишларида жамиятда корпоратив бошқарув қоидаларига амалдаги қонунчиликка мувофиқ риоя қилиниши бўйича ҳисобот беради;

— баланс активлари 1 миллиард сўмдан ортиқ бўлган корхоналарда 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб ички аудит хизмати жорий этилади. Ички аудит хизмати Кузатув кенгаши томонидан тайинланади ва унга ҳисобот беради;

— Устав фондида давлат акция пакетлари (улушлари) 50 фоиздан кўп бўлган корхоналарда ички аудитни ўтказиш учун аудитор танлаш, Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан аниқланган рўйхатга кўра танлов орқали амалга оширилади.

Эътиборлиси, семинар-йиғилиш давомида қатнашчилар томонидан савол-жавоб, мулоқотларда фаоллик, қизиқувчанлик руҳи сезилиб турди. Йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан қониқарли жавоблар олишди. Қарорлар ижросини таъминлаш хусусида амалий таклифлар киритилди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда).



Шу тариқа ислом динини ривожлантириб, шариатни мусулмон мамлакатларига ёйдим. Ислом динини ёйиб, унга равнақ берганим ҳақидаги овоза каттаю кичик аҳли мўминнинг қулоғига етгандан кейин, ислом олимлари: «Тангри таоло ҳар юз йилда Муҳаммад, унга Тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, динига ривож бериш ва [уни] янгилаш учун бир кишини ислом динининг ёйувчиси ва ривож бергувчиси сифатида ихтиёр этади. Бу саккизинчи юз йилликда[1] Амир Соҳибқирон[2] ислом динини жаҳон аҳлига тарқатди. Шунинг учун бу юз йилликда Муҳаммад динига ривож бергувчи зот шу киши бўлғай», деб фатво бердилар.

Замон уламосининг улуғи бўлмиш Мир Саййид Шариф[3] бу хусусда менга мактуб йўллаб ёзган эдиларки, илгариги ва кейинги авлод ислом олимларининг барчаси бир оғиздан иттифоқ бўлиб деганларки, Оллоҳи таоло, ҳазрати расолатпаноҳ пайғамбаримиз, унга Тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, унинг динини тарқатиш учун ҳар юз йилда бир кишини динга ривож бергувчи сифатида ихтиёр этади. Саккизинчи юз йилликнинг бошида Амир Соҳибқирон дини мўбинни ривожлантирди ва ҳар томонга ёйди. Дини ислом оламнинг турли ўлкалари ва шаҳарларида равнақ топди. Ҳақли равишда [бу асрда] динни тарқатувчиси Амир Соҳибқиронлиги тасдиқланди. Ушбу мактубнинг нусхаси будир:

«Ё, Оллоҳ! Кимки, Муҳаммад динини қўллаб-қувватласа, Сен ҳам уни қўллагил, кимки Муҳаммад динини хор қилса, Сен ҳам уни хор қилғил».

Рисолатпаноҳ пайғамбаримиз ҳижрат этганларига ҳам саккиз юз йилдан ошди. Ҳар юз йил бошида Оллоҳи таоло ва тақаддус ўз элчиси ва ҳабиби Муҳаммад динини унинг умматига тарқатувчи ва ривож бергувчини ихтиёр қилади. Оллоҳга ҳамду санолар бўлсинки, саккизинчи юз йиллик бошида Оллоҳи таоло Амир Соҳибқиронни ислом динининг янгиловчиси ва ривожлантирувчиси сифатида ихтиёр қилди ва у турли ўлкалар ҳамда мамлакатларда халққа Муҳаммад динини қабул қилдирди. Илк ислом олимлари динни ёйувчилар ва ривожлантиргувчилар аҳволини ўрганиб, ўз китобларида бу ҳақда маълумот берганлар. Бу ривож бергувчилар қуйидагилардир:

Ҳижратдан кейинги биринчи юз йилликда динга ривож бергувчи киши Умар ибн Абдулазиз[4] эдилар. У хорижийлар[5] минбардан туриб, ҳазрати Алига таъна қилишиб, лаънатлар ёғдиришиб, ислом динини заифлаштирганда, бу [низони] бартараф қилди. Ўша вақтда ислом аҳли иттифоқи бузилиб, кинаю адоват пайдо бўлган эди. Бир тоифа одамлар тўғри йўлдан борган халифаларни лаънатлаб, уларга таънаю дашном ёғдирдилар; бошқа бирлари эса мўминлар амири ҳазрати Алини, имом Ҳусайн[6] ва хазрати Аббосни[7] лаънатлар эдилар. Бу икки гуруҳ ҳам ўзаро адоватда бўлиб, ўта мутаассиб эдилар. Умар ибн Абдулазиз бу низоларни бартараф қилиб, ислом динига ривож берди.

Иккинчи юз йилликнинг бошида келган динга ривож бергувчи халифа Маъмун ибн Хорун ар-Рашид[8] эди. У ислом динида пайдо бўлган етмиш икки турли ботил[9] мазҳабларни йўқотиб, ҳақ мазҳаби — аҳли суннат ва жамоатни ривожлантирди. Али ибн Мусо Жаъфарни[10], ундан Оллоҳ рози бўлсин, Хуросондан олиб келиб, уни ўзига валиаҳд деб эълон қилди. Унинг изни ва маслаҳати билан мамлакатда ҳукмронлик қилди.

Учинчи юз йиллик бошида дини Муҳаммадий ривож бериб равнақка етказган халифа Муқтадир биллоҳ Аббосий[11] эди. Абу Тоҳир бошчилигидаги қарматлар[12] Маккаи муаззамани босиб олиб, арафа куни ҳажга борганлардан ўттиз мингтасининг жонига қасд қилдилар ва уларни шаҳид этдилар. Муқаддас қора тошни[13] Каъба деворидан суғуриб олдилар. Ислом мамлакатларини вайрон этиб, [халқни] қатлиом ва талон-тарож қилдилар. Шу сабабдан ислом дини заифлашиб қолди. Муқтадир биллоҳ бу қавм устига лашкар тортиб, уларни улоқтириб ташлади [ва фитнани бостирди]. Бу билан ислом дини ва шариатига ривож берди.

(Давоми бор).

1 Саккизинчи юз йиллик – ҳижрий ҳисоб; милодий XIV аср.

2 ***Соҳибқирон*** *– Зуҳра ва Муштарийнинг бир-бирига яқинлашган ҳолати «қирон буржи» деб аталади. Амир Темур Зуҳра (Венера) ва Муштарий (Юпитер) бир-бири билан яқинлашганда туғилган. Эътиқодга кўра, бундай бола келажакда тож-салтанат ва бахту иқбол эгаси бўлади*

3 ***Мир Саййид Шариф Журжоний*** *(1330-1414) – журжонлик машҳур файласуф олим. 1387 йили Амир Темур уни Самарқандга олиб келган ва у улуғ амирнинг «Дорушшифо»сида дарс берган.*

4 ***Умар ибн Абдулазиз*** *— умавия сулоласи (661-750)га мансуб саккизинчи халифа (712-720). Форсча матнда «мураввиж", "мужаддидин" истилоҳлари келтирилган.*

5 ***Хорижийлар*** *— (араб. «ажралиб чиққанлар; исёнчилар) –VII асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган исломдаги ғоявий-сиёсий оқим.*

6 ***Имом Ҳусайн*** *— халифа ҳазрати Алининг ўғли (626-680). Куфада халифа Язид (680-683) аскарлари билан бўлган урушда 680 йил 10 октябрь куни ўлди*

Ўз-ўзи ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҚЎРҚУВ ҲАҚИДАКИМ, «ҚЎРҚУВЧИ АЛЛОҲНИНГ ДЎСТИДИР»

Сифатлар ичида биридир қўрқиш,
Кўнгилдан чиқмасин асло бу ташвиш.
Ўлим шом ичида ёки субҳидам,
Бошингга келади бир куни илдам.
Сен эса осуда, ғафлат ичрасан,
Олдинда олов бор, бўйнингда расан.
Ёдга ол, олдинда ўлим юрибди,
Жонингга чанг солай дея турибди.
Қора тупроқ ичра кўмсалар ногоҳ,
Ётурсан ҳасратда чекиб оҳу воҳ,
Ёдга ол, вақтики чалинса Сурдан,
Одамлар чиқади бирма-бир гўрдан.
Бошингда куйдириб турганда офтоб,
Тер ичра ғарқ бўлиб бергаймисан тоб?
Номалар келади ҳар хил тарафдан,
Кимларга ўнгдану кимгадир чапдан.
Тарози ичига қўйилар аъмол,
Аён бўлар шунда жамики аҳвол.
Бу икки палладан ортса бирови,
Биров хор, бировнинг юришар ови.
Ёдга ол, оёқни қўйгач Сиротга.
Етарсан шу онда боқий ҳаётга.
Ё ундан шамолдек елиб ўтарсан.
Ё дўзах сарига қулаб кетарсан.
Нидо келар шунда, оятидир бу:
«Аййуҳал мужримуна вамтозу».
Ўзинг ҳам билмайсан гуноҳкормисан,
Яхшилар ичида ёхуд бормисан.
Мунингдек юз минглаб ҳодиса бўлар,
Буни билган қачон ғафлатга тўлар.
Бу оғир кунларни айламайин ёд,
Боғ ила бўстонда яшагайсан шод.
Манзилу хонанга сарф этиб куч,
Ғафлатда ҳаётни ўтказурсан пуч.

ИЙМОННИНГ ҚУВВАТИ БЎЛГАН ЧИРОЙЛИ ХУЛҚ ҲАҚИДА

Сифатнинг биридир хулуқи ҳасан,
Худога тортади мисоли расан.
Чиройли хулқ эрур иймон қуввати,
Ёмон хулқ ярамас эрлар одати.
Топилмас жаҳонда қанча қидирса,
Чиройли хулқдан ҳам чиройли нарса.
Жаннат сари сенга бўлади раҳбар.
Холига вой кимки қўлдан чиқарар.

ҲАҚ ТАЪОЛОНИНГ РАҲМАТИГА БОИС БЎЛАДИГАН РАҲМ ҲАҚИДА

Сифатлар ичида раҳм ҳам яхши,
Раҳматга боисдир, адаблар нақши.
Раҳм қилсанг сен ҳам раҳм кўрасан,
Раҳмат ҳосилини йиғиб ўрасан.
Бўлсин десанг агар Худо меҳрибон.
Худонинг халқига фидо қилгин жон.
Ўзингдан элингни айласанг хуррам,
Худо ўз раҳматин сочгай ўша дам.

МУЛОЙИМЛИК ҲАҚИДА

Бу сифатдан бири эрур ҳалимлик,
Анбиё эдилар шундай таълимлик.
Ҳар ким ўз ғазабин босолган замон,
Ҳақнинг ғазабидан бўлади омон.
Ҳар ким ғамгин қилса, сен уни шод қил,
Ҳар киши банд қилса, уни кушод қил.
Эшит, учта байт, не деган Жомий,
Қаддасаллоҳу сирраҳ ус-сомий:
«Сабру чидам ақл хазинасидир,
Ҳилми йўқ — одамнинг бузинасидир.
Ҳилм — сармояйи камол бўлади,
Сababи иззати жамол бўлади.
Ҳилм ғамгин учун шодлик етқизар,
Ярани мўмиё каби битқизар.

ДАВЛАТ ВА САВОБНИ ЗИЁДА ҚИЛУВЧИ ЖУД (САХОВАТ) ҲАҚИДА

Комиллик бўлади жуд ила эҳсон,
Маъноси мол ато қилмоқдир ҳар он.
Қўлингда борини халққа қил ато,
Бирига етти юз беради Худо.
«Ма нақаса ма лака мин ал-ҳайрот,
Иннамаллоҳу йўъти-л-ъавазот».
Жаннат дарахтидан саҳодир бир шох,
Жаннатга етаклар кимки хайрихоҳ.
Одам ўлар, лекин эҳсони ўлмас,
Яхши номи элда қолади, шу бас.
Сахий ўлса ҳамки уни тирик бил,
Саховати йўқни ўлик ҳукм қил.

ФАЗИЛАТИ БЕПОЁН БЎЛГАН ИЛМ ҲАҚИДА

Илмнинг фазлидан эшитгил энди,
Сўзимга қулоқни, кел, тутгил энди.
Илмнинг фазлидур мисоли Уммон,
Сен учун қаътрасин қилайин баён.
Ҳақ деди, ҳар кимга илм беribман,
Яхшилик муҳрини унга урибман.
Ҳар дилда илмким, пайдо бўлибдур,
Эл ичра обрўйи аъло бўлибдур.
Беҳадду ҳисобсиз ўлгай шарафи,
Яна обод бўлур укбо тарафи.
Илмга сарф этсанг агар бир дирам.
Минглаб дирамингдан яхшидур ул дам.


Маҳмуд ҲАСАНИЙ тайёрлаган

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Педиатрия илмий-текшириш институти ва клиникаси жамоалари бўлим раҳбари Абдумалик Нигматович Ариповга умр йўлдоши ва Орифжон Абдумаликович Ариповга онаси **Диляра ХОДЖАЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Фестивaллар

БАРҲАЁТ НАВОЛАР

ЁШЛАРИМИЗНИНГ ҚАДИМИЙ МИЛЛИЙ ЧОЛҒУЛАРГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ, ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, УМУММИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ ЭЪЗОЗЛАШ, ҲАЛИ НОМЛАРИ КЎПЧИЛИККА ТАНИШ БЎЛМАГАН ЯНГИ ИҚТИДОРЛИ ИЖРОЧИЛАРНИ КАШФ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ ИЖОДИНИ КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА ЯҚИНДА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ ВА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИ, ХАЛҚАРО «ОЛТИН МЕРОС», «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАЛАРИ ҲАМДА ШАҲАР МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ БОШҚАРМАСИ ҲАМКОРЛИГИДА «БАРҲАЁТ НАВОЛАР» ТУРКУМИДА МИЛЛИЙ ЧОЛҒУ СОЗЛАР ИЖРОЧИЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТДИ.



Фестиваль икки йўналишда ўтказилиб, карнай-сурнай гуруҳлари, қадимий миллий чолғулар — чанқовуз, ғажирнай, қўбиз, буламон, сибизғада якка ижрочилик бўйича иштирокчилар ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Карнай-сурнайчилар гуруҳлари қадимий халқ маросимларида ижро этиладиган ноёб, деярли унутилаёзган куйлар ва замонавий бастакорларнинг асарларини, чанқовуз, қўбиз, сибизға сингари қадимий чолғу ижрочилари ўз ҳудудларига хос бўлган миллий куйлардан намуналар ижро этдилар.

Шуни таъкидлаш керакки, фестивалда қатнашчиларнинг ижро маҳорати, куйларнинг мазмуни, созларнинг уйғунлиги, саҳна либослари ва саҳна маданиятига алоҳида эътибор қаратилди. Танлов якунида ғолиблар аниқланиб, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази томонидан дипломлар ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Мухтасархон КАРИМОВА
СУРАТЛАРДА: «Барҳаёт наволар» республика кўрик-фестивалидан лавҳалар
Раҳмонбек Исломов олган суратлар.





Анжуманлар

СУВ — ҲАЁТ МАНБАИ

МИНГ ЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА, ЖУМЛАДАН ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ЭРИШИШНИНГ ШАРТЛАРИДАН БИРИ— СУВ РЕСУРСЛАРИ БОШҚАРУВИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ҲИСОБЛАНАДИ.

Ўзбекистоннинг қурғоқчил иқлим шароитида халқ хўжалиги учун сув ресурсларидан фойдаланиш эҳтиёжга нисбатан ўртача 80 фоизни ташкил этишини ҳисобга олган ҳолда сув ресурсларининг бошқарувини такомиллаштириш, улардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган мақсадларига эришиш энг устувор йўналишлардан саналади.

«Экосан» халқаро ташкилотида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни олдидан «Экология ва саломатлик кунлари»нинг учинчи босқичи тадбирлари доирасида «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг бажарилишига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Анжуманни «Экосан» халқаро ташкилоти президенти Юсуфжон Шодиметов олиб борди. Ўзбекистон Республикасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Геология ва минерал ресурслари Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария-эпидемиология Давлат назорати маркази вакиллари ва бошқа ташкилот раҳбарлари сув ва сувдан оқилона фойдаланиш, сув билан боғлиқ муаммолар тўғрисида маъруза қилдилар ва ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Қатор ривожланган демократик мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қонунларнинг тўлиқ бажарилишининг муҳим турткиларидан, шунингдек фуқаролик жамиятининг муҳим кўринишларидан бири, бу —«жамоат эшитувлари»ни ташкил қилишдир. Унда қонунларнинг бажарилиши»га масъул бўлган ташкилотлар раҳбарларининг ҳисобот ва ахборотлари тингланиб, музокаралар асосида керакли тавсиялар, чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва тегишли ташкилотларга ижро учун юборилади.

Анжуманда таъкидланганидек, сув ресурсларининг бошқаруви масалалари бевосита ижтимоий соҳалар, жумладан соғлиқни сақлаш ва озиқ-овқатга оид хавфсизлик, ижтимоий ривожланиш, ердан фойдаланиш, экотизимларни сақлаш билан чамбарчас боғлиқдир.

Анжуманда сув билан боғлиқ муаммолар атрофлича муҳокама қилиниб, керакли тавсиялар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Дилором ИКРОМОВА

ОИТС – XX АСР ОХИРИДА БУТУН ДУНЁ ХАЛҚЛАРИ УЧУН ҒОЯТ ФОЖИАЛИ МУАММОЛАР ТУҒДИРГАН КАСАЛЛИК ҲИСОБЛАНАДИ.

Иммунодефицит ҳолати туғма ва орттирилган бўлади. Орттирилган иммунотанқислик одамда махсус вирус юқиши оқибатида келиб чиқади.

Касаллик қўзғатувчиси ретровируслар синфига мансуб, одамда иммунотанқисликка сабабчи вирус (ОИСВ) ҳисобланади. У 1983 йилда америкалик ва француз олимлари томонидан деярли бир вақтда кашф этилган. Бу вирус геноми одам қони ҳужайраларига, жумладан, лимфоцитларга жойлашиб олиши мумкин. Одамга ОИСВ юққанидан сўнг, кўп ҳолларда 8-10 йилгача касаллик аломатлари пайдо бўлмайди. Бундай кишилар кўринишидан соғлом бўладилар, ҳеч нарсадан шикоят қилмайдилар. Лекин улар вирусни бошқа кишиларга тарқатишлари мумкин бўлади.

Вируслар юққанига жавобан организмнинг иммун тизими уларга қарши антителолар ишлаб чиқара бошлайди. Уларни топиш вируснинг ўзини топишга нисбатан осонроқ.

Эслатиб ўтиш лозимки, вирус қонга тушган вақтдан антителоларни лаборатория текширишларида топиш имконияти пайдо бўлгунча 3 ой ўтади. Бу вақт ичида ушбу одам вирусни кўпчиликка тарқатиб улгуриши мумкин. Зеро, у умрининг охиригача вирусдан халос бўла олмайди. 3 ойлик муддатдан сўнг вирус юққан одам қонида ОИСВга қарши антителолар топилади. Йиллар давомида вирус унинг қонидаги иммунитетга масъул ҳужайраларга, айниқса, Т-лимфоцитларга қирон келтириб боради. Оқибатда ОИТСга хос белгилар пайдо бўлади ва ушбу касаллик ўлим билан тугайди.

Ҳозирги вақтда ОИСВга таъсир этиб, уни ўлдирувчи препаратлар топилган эмас. Инфекция манбаи — ОИСВ юққан одам ёки ОИТС билан оғриган беморлар. У касаллик юққан вақтидан бошлаб, умрининг охиригача ОИТСни бошқаларга юқтириши мумкин. Вирус инфекция манбаи бўлган одамдан қиндан ажраладиган суюқлик, кўз ёшлари, сўлак, орқа мия суюқлиги, сийдик ва она сути билан ажралади. Шунингдек, вирус қон зардоби, лимфоцитлар воситасида ҳам тарқалади. Сперма, қон ва қин шиллиқ қавати суюқлигида вирус айниқса кўп бўлади.

Тарқалиш йўллари ҳам турлича. Вирус асосан жинсий алоқа вақтида юқади (70-80 фоиз). Туғруқ вақтида ва кўкрак сути орқали касал онадан ҳомилага юқиши 5-10 фоиз ҳолларда кузатилади. Гиёвандлар бир игнадан фойдаланиши натижасидаги юқиш ҳам 5-10 фоизни ташкил этади. Қон қуйиш оқибатида вирус юқиб қолиши 3-5 фоизига яқин. Тиббиёт ходимлари игна санчаётган вақтда терисига кириб кетиб, юқиш ҳоллари кам бўлсада учраб туради (0,01 фоиз).

Узоқ умр кўришни истасангиз, ОИТС касаллигидан эҳтиёт бўлинг!

Насима АҲМЕДОВА, шифокор

1 декабрь — Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш куни

ЎЗИНГИЗНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГ

Спорт янгиликлари

Футбол

НЕПОМНЯЩИЙ ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА САРАЛАШ ТУРНИРИ ГУРУҲ БАҲСЛАРИДА 11 ОЧКО ЖАМҒАРИБ ИККИНЧИ ЎРИН БИЛАН ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА ЙЎЛЛАНМАНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ БОШ МУРАББИЙСИЗ ҚОЛДИ.

Гап шундаки, «Пахтакор» марказий стадионида ўтказилган Ўзбекистон—Қатар терма жамоалари учрашувидан сўнг Валерий Непомнящий истеъфога чиққанлигини маълум қилган. Маълум муддат терма жамоамизга бош мураббийлик қилиб, ўзига юклатилган вазифани уддалаган бўлишига қарамай Валерий Непомнящий соғлиғи туфайли ушбу қарорга келганлигини маълум қилди. Ўзбекистон футбол федерациясидан хабар қилинишича, ҳозирча терма жамоага янги бош мураббий тайинланмаган йўқ.

ГЕЙНРИХНИНГ МАҲОРАТИ ИШ БЕРДИ

ҚАТАР ПОЙТАХТИ ДОҲА ШАҲРИДА ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ДОИРАСИДА ФУТБОЛ БЕЛЛАШУВЛАРИГА СТАРТ БЕРИЛДИ.

Таркибининг асосини 23 ёшли футболчилар ташкил этган Ўзбекистон терма жамоаси ўзининг дастлабки учрашувини Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоасига қарши ўтказди. Шуни айтиш жоизки, Жепаров, Аликулов ва Копадзе сингари маҳоратли футболчилар иштирок этаётган ушбу беллашув ҳамюртларимизнинг устунлиги остида кечди.

Дарвоқе, уюшқоқ ҳолда ҳаракат қилган футболчиларимиз рақиблар дарвозасини икки марта Александр Гейнрихнинг аниқ ҳаракатлари ҳисобига ишғол этишди. Бироқ, иккинчи бўлимда бироз хотиржамликка берилган футболчиларимиз ҳам ўз дарвозаларидан бир марта тўп олиб чиқишди. 90 дақиқа шиддатли курашлар остида ўтган учрашув 2:1 ҳисобида ўзбекистонликлар ғалабаси билан якунланди.Ва айтиш жоизки, моҳир ҳужумчимиз Гейнрих чиройли хатти-ҳаракати билан мутахассислару мухлислар кўнгилини шод этди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Баскетбол

ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

ҚАТАР ПОЙТАХТИ ДОҲА ШАҲРИДА ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ МУСОБАҚАЛАРИНИ БАСКЕТБОЛЧИЛАР ҲАМ БОШЛАБ БЕРИШДИ.

Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари дастлабки беллашувларни ғалаба билан бошлашди. Аввалига мўғулистонлик баскетболчилар билан куч синашган ҳамюртларимиз рақибларидан ҳар томонлама устун эканликларини исботлашди ва учрашувни 102:66 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал қила олишди.

Фаластин терма жамоаси билан ўтказилган иккинчи беллашув анча муросасиз кечди. Шундай бўлсада ўзбекистонликлар бор маҳорат ва тажрибаларини ишга солиб 78:60 ҳисобида рақибларидан устун келишди.

(Ўз мухбиримиз)

Мунажжим башорати

АНИҚ РЕЖАЛАР ТУЗИНГ

1 ДЕКАБРЬ, ЖУМА

БУГУНГИ КУНГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АНИҚ РЕЖАНГИЗ БЎЛИШИ КЕРАК. АГАР БЎШАШМАСАНГИЗ, ХОМ ХАЁЛЛАРГА БЕРИЛМАСАНГИЗ, МОЖАРОЛИ «САРГУЗАШТЛАР» ИЗЛАМАСАНГИЗ, РЕЖАЛАРИНГИЗ ТЎЛА АМАЛГА ОШИШИ ҲЕЧ ГАПМАС. ИНСОН ҲИССИЁТЛАРГА БЕРИЛУВЧАН БЎЛАДИ, ШУНИНГ УЧУН ҲАМ ИСТАКЛАРИМИЗГА ЁН БЕРАМИЗ, ПУЛДА ЭСА ИСРОФГАРЧИЛИККА ЙЎЛ ҚЎЯМИЗ.

Қандайдир муҳим тайёргарчиликни кўриб қўйишимиз, иш жойида ҳозиру нозир бўлишимиз керак бўлади, зеро,жуда муҳим ва қизиқарли ҳодисалар рўй бериши кутилади ва биз ундан бехабар қолишимиз мумкин. Илиқлик, яхши гапга эҳтиёжимиз кўпаяди, шундай пайтда суюкли кишиларимиз сари биринчи қадамни ўзимиз қўйганимиз яхшироқ.

Бугун таъмирлаш, тиклаш ишлари хайрли бўлади. Жанжаллашиш, ўзаро муносабатларни зўравонлик йўли билан ойдинлаштиришга киришиб кетиш тақиқланади. Душманлар билан ярашиш, ўзингизни хафа қилганларга нисбатан кечиримли бўлиш, жонкуярлик, меҳршафқат туйғуларини намоён этиш омадингиз юришишида муҳим омил бўлади.

Хайр-садақа қилинг, совға-саломлар ҳадя этинг, меҳмон чақиринг – ортиқча қувватингизни хайрли ишларга сарфланг.

Тўсатдан чироқнинг ўчиб қолиши – касаллик ва нохушликларга ишора. Тасодифан қайноқ сувда куйиб қолиш покланишдан хабардор қилиш демакдир.

Бу кечада кўрилган ва ўсимликлар билан боғлиқ барча тушлар яхшиликлардан дарак беради. Тушда мевалар ва очилаётган гулларни кўриш яна ҳам яхшироқ.

Қайноқ сув бугун катта куч-қудрат касб этади. Иссиқ-совуқ душ ва гиёҳлар солинган ванна қабул қилинг. Юракни зўриқтириш ман этилади.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ЭТАЙЛИК

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА МАВЖУД ҚОИДАЛАРГА АМАЛ ҚИЛИШ БУГУНГИ КУНДА ҲАР БИР КИШИ УЧУН МУҲИМ ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТГА АЙЛАНГАНЛИГИНИ ИНКОР ЭТИБ БЎЛМАЙДИ.

Ўтказилган таҳлилларга қараганда, ўтган йили Тошкент шаҳри туманларида юз берган ёнғинларнинг аксарият қисми аҳоли турар жойларига тўғри келди. Ёнғинларнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганиб чиқилганда, улар асосан электр иситиш ва ёритиш мосламаларидан, қолаверса, газ плиталари ва иситиш печкаларидан нотўғри фойдаланиш оқибатлари эканлигини кўрамиз. Ана шу яхлит бир бойликни асраш, уни ёнғин деган офат ҳамласидан сақлаш ҳар бир кишининг виждон ишидир.

2006 йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида содир бўлган ёнғиннинг аксарият қисми ана шу қоидабузарлик ҳолларининг оқибати бўлди. Фуқароларнинг қонунни билишлари, қоидаларга амалда риоя қилган ҳолда ёнғин хавфсизлиги талабларига бўйсунишлари бурч. Бу бурчни тушуниш билан бирга уни адо этиш эса ҳар бир киши учун виждон иши бўлиб қолмоғи керак.

Тойир ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Дониёр ОҚИЛОВ,
Нодир АЛИЕВ,
12-ХЁХО инспекторлари.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 1307

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3962 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6